

83.6
N 14

ALISHER
NAVOIY

...

ҮММОНАҲ
АҶНАП

...

DIE PERLEN
AUS
DEM OZEAN

...

PEARLS FROM
THE OCEAN

83.6.
N14

XV 33 O'quv.

АЛИШЕР НАВОЙЙ

УММОНДАН
ДУРЛАР

Ҳазратлар, ҳикматлар ва рубоийлардан
намуналар

(Ўзбек, немис ва инглиз тилларида)

Тузатчи ва таржумон: Ўғдощ ПАРДА

0250
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAYLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VII. OYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ

ТОШКЕНТ — 2000

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAYLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VII. OYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

0443

Тахрир хайъати:

Х. Бобоев, К. Назаров,
А. Жўзжончи,
И. Каракеноев, Т. Мирзоев,
У. Бозоров, Т. Салтиоров,
О. Мухаммаджонов.

Масъул мухаррирлар:

проф. Х. Бобоев
проф. К. Назаров

Таржимонлар:

И. Парда (нем.)
Н. Прейфер (нем.)
К. Мамуров (инг.)
Д. Кметтик (инг.)

- © Тошкент Давлат юридик институти
 - © Ўзбекистон Парла, тўғриси
 - © «Шарк» нашриёт-матбаа концерни Бонн тахририяти,
- 2000 йил.

СЎЗБОШИ

Ушбу ўзбек шоири ва мутафаккири Адишер Навоийнинг асарлари чуқур фалсафий тафаккур дурдоналаридир. Асрлар оша, довлонлар оша кетган бу асарлар умри боқийдир. Вақтлар ўтган сайин, замонлар кечган сайин улар дуррашон юлдузлардек ярқираб, чирой очаверадилар... Уларда теран ҳаётий тажриба юксак баъиниёт ила омухта бўлиб, ўлмас гўзаллик касб этган.

Шоир ижоди ҳам мазмунан, ҳам шаклан уммондек бекиёсдир.

Ушбу китобчада ана шу уммондан терилган дурларни эътиборингизга хавола этмоқдамиз. Бунда сиз шоирнинг энг сара йигирма битта ғазали, асарларидан териб олинган хикматли сўзлари ва баъзи рубойлари билан танишасиз.

Ўнлаб Тошкент Давлат юридик институтининг «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида ҳамда Хукукий маърифат тарғиботи Марказида тайёрланди. У кент жамоатчилика мўлжалланган.

Изоҳ:

Ўзбекча матнлардаги рақамлар немисча ва инглизча матнлардаги рақамларга мўтаноосбдир.

«КИЗИЛ, СОРИФ, ЯШИЛ»

Қадим замонларда туркий халқлар дунёнинг тўрт томонини тўрт хил ранг билан тасвирлаган: шимол — қора рангда, жануб — кизил рангда, мағриб — сарик (оқ) рангда тасвирланган. Чексиз чегарасиз яйловлар ва чўллардан иборат бўлган шаҳарлар хамиша яшил рангда тасвирланганлар. Инсонларвар ғойлар ва қарашлар маскани бўлиши деб ҳам аташди, зеро бу масканди Абу Али ибн Сино, ал-Форобий, Улғубек ва бошқа алломалар таваллуд топти. Шаҳарнинг машҳур фарзандларидан бири Алишер Навоий эди. Ўзгал сўзлар, нозик туйғулар тасвири устаси бўлиши бу зот тўғрисида оддийгина қилиб гапириш олдий иш эмас. Кўпгина олимлар уни шарқ осмонида чараклаб нур сочган ёру юлдузга ментлашди. Улғу Ўзбек шоир ва мутафаккири Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ўзининг чуқур маънолиги ва баъдий тасвирларга бойлиги шарофатидан дунё адабиёти хазинасида муҳим ўрин тутди. Унинг асарларининг бош мавзуси инсон, унинг ички дунёси ва бодиликка муносабатидир. Шоир ўз асарларида дунёни бутун ранг-баранглиги ила, яъни энг майда заррачадан тортиб чексиз қонинг қадар тасвирлаган. Ўз ноъларини шоир инсоний тафаккур призмаси орқали ўтказиб, инсоннинг дунё билан омўхта бўлиб кетиши орқали баён этди. Алишер Навоий Ўзбек адабий тилининг асосчиси ва Ўзбек классик адабиётининг отаси ҳисобланади, чунки у биринчи бўлиб Ўзбек тилида баъдий асарлар яратган. Унинг замондошлари ўз ғазалларини форс тилида ёзишар ва Ўзбек тилида ўзгал ғазаллар ёзиб бўлмайдн,

деган фикрда эдилар. Шоир ўзининг «Муҳокаматул дунётайн» номи трактатида ўз она тилини Ўзбек тилига паст назар билан қаровчи шоирларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилди ва Ўзбек тилида ўзгал ғазаллар яратди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махмур, Отаҳий, Муҳимий, Фуркат, Завкий, Нодирбеғим, Увайсий, Махзуна ва бошқа шоирлар Навоийнинг назмларидир. Улар Алишер Навоийнинг асарларидан таъсирланиб, уларни ўқиб, ўрганиб Ўз асарларини яратганлар.

Энди ғазал ҳусусида икки оғиз маълумот бермоқчиман. Ғазал Шарқда кенг тарқалган шеър турларидан биридир. У асосан 12—14 қатордан иборат бўлиб, а-а, б-а, в-а, г-а шаклида қорйаланади. Ғазалининг ҳар жуфт мисраси битта тўлиқ маънога эга бўлади. Агар ғазалининг биринчи мисраси мисол учун 12 та очик ва ёпиқ бўғинлардан иборат бўлса (очик бўғин унли товуш билан ва ёпиқ бўғин ундош товуш билан тўталанади), қолган мисралар ҳам худди шундай қўрилишида бўлиши лозим.

Маъриблик ўқувчилар қўлида албатта «Навоийни қандай хизматлари учун бунчалар ҳурмат қилишди?» деган савол туғилиши мумкин. Биринчи навбатда уни албатта шоир, олим ва давлат арбоби бўлишлиги учун ҳурмат қилинса, иккинчидан уни чинакам инсонларвар бўлигани учун эъзозлашди, чунки у фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ўрта асрлар схоластикасига, золимликка, тахт учун бўлган қонли урушларга қарши қўрилган ғўлига бутунлай бахшида этди. Шоир ўз хисобидан турли маншй бинолар, мадрасалар, кутубхоналар ва касалхоналар қурдирган, зеро унда ажодларимизнинг энг яхши хислатлари ўз тажасумини топти эди. Ўзининг хикматли сўзларидан бирида шоир шундай дейди:

*«Ойди эрсан демали ойди,
Ошиқким илқ халқ гамидин гелди.»*

Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хирот шаҳрида, сарой хизматчиси оила-сида дунёга келди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кич-кина Шохрухмирозо саройида, яъни ўша вақт-лардаги Хуросон ҳукмдори саройида хизмат қилар-ди, Унинг онаси шаҳзодаларнинг тарбиячиси бўлган. Оила шароити ёш Алишерда бадиний адабиётга улкан муҳаббат уйғотди. Унинг отаси маърифатли киши бўлганлиги ва тоғалари Қообу-лий ҳамда Ғарийблар шоир бўлишгани сабабли, уларнинг уйида тез-тез шеър кечалари танқид эти-лар ва келган шонлар ўзларининг янги ғазалла-рини ўқиб берадилар. Алишер ҳам бу йиғинларда иштирок этар ва ўзи ёд олган ғазалларни айтиб беради. У жуда ёшлтигиданок ғазал ёза бошлади. Шoirнинг замондоши, тарихчи Хондамирнинг ха-бар беришича, ўз даврининг машҳур шоирлари-дан бири хазрат Лутфий бир кунги ёш Алишердан ёзган янги ғазалларини ўқиб беришни илтимос қилди. 12 ёшли Алишер кўйидаги мисраларни айтиб беради:

*«Орадин ёлқон кўямдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур калдуз, ниҳон бўлган кўёш.»*

Хазрат Лутфий бу ақиб ўхшатишдан шунча-лар таъсирланадими, «агар иложи бўлганда ўзим-нинг бутун асарларимни шу икки мисрага алмаш-ган бўлурдим» деб Алишерни мактаб кўяди. Али-шер ўн уч ёшта кирганда унинг отаси оламдан ўтди. Хуросоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Абдулқосим Бобур ёш Алишерни ўз панохига олиди ва унинг оиласига ёрдам бериб турди. Алишер ўн беш ёшта тўлганда дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бирга Машҳада, Бобур саройида хизмат қила

бошлагди. 1457 йилда Бобур вафот этди. Навоий Машҳада қолиб, ўқилини давом эттирди. Тему-рийлар оиласидан бўлган Ҳусайн Бойқаро эса Марғота кетиб, ўша ерда тахтни қўлга киритиш учун тайёргарлик қила бошлагди. Аммо ўша пайт-да у тахтни эгаллай олмади. Мустабид феодал ҳукмдорлардан бири бўлмиш Абу Саид тахта ўтирди. У ўзбекнинг бир қанча қариндошлари-ни қатл эттирди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқа-ронинг, яъни рақибининг дўсти бўлгани учун Абу Саид уни Самарқандга сурғун қилди. 1469 йилда Абу Саид кўшини Эронда маълумиятга учради, унинг ўзи эса ўлдирилди. Ҳусайн Бойқаро вақтни кўлдан бой бермай Хиротни эгаллади. Ўша йил-нинг апрелида Алишер Хиротга қайтиб келди ва муҳрдорлик вазифасига тайинланди. 1472 йилда Бойқаро уни Бош вазир этиб тайинлади. Султон Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасида-ти дўстлик буюк шoirнинг вафотига давом этди, ammo уларнинг фикрлари бир жойдан чиқмаган ва ораларида турли келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳоллар ҳам бўлиб турган, албатта. Тарих-чиларнинг хабар беришича, Алишер Навоий ва-фот этганда Ҳусайн Бойқаро ўзининг барча сарой аёллари билан хизматкор кийимиди келиб, жано-зига ва дуои фотиҳага келган кишиларга хизмат асар яратган. Уларнинг энг машҳурлари Навоий-нинг «Ҳазойин ул маоний» (Мавнолар хазинаси) асирида жамланган. Бу асарнинг яна бир номи бор, у «Чор девон» яъни «Тўрт девон» деб юри-тилди. У тўртта шеърый тўпламдан иборат. Бу асарда 3122 та ғазал бўлиб, улар 44900 мисрани танқид этади. Хар бир шеърый тўплам ўзининг номига эга: 1) Ғарийб ус синар. 2) Наводир уш шабоб. 3) Бағдойи ул васат. 4) Фавайид ул ки-бар.

Асарнинг ҳар бир қисми инсон ҳаётининг турли даврларида мос келади. Алишер Навоий ўзининг улкан поэтик асари бўлмиш «Ҳамса» билан дунё адабиётидан жой олди. Бу асар мазмунининг чуқурлиги ва образларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. У бешта қатта дostonдан ташкил топган: 1) Хайрат ул аборор — Яхши кишиларнинг ҳафратланиши; 2) Фарҳод ва Ширин; 3) Лайли ва Мажнун; 4) Саъбан сайёр — Ётти сайёҳ; 5) Салли Искандарий — Искандар Девонри. «Ҳамса» 50000 мисра шеърдан иборат ва шoirнинг форс тилидаги «Девони Фоний» асарида 1094 та ғазал бўлиб, улар 10408 мисрани ташкил этади. Туркий халқлар дунёсида Алишер Навоий энг машҳур, энг ҳурматли шоирдир. Унинг ижодини улкан бир ўрмонга қиёс қилишди. Бу ўрмоннинг туби жавоҳирларга, марваридларга динмо-лим. Поэтик асарларидан ташқари Навоий кўпгина илмий асарлар ҳам яратган.¹

Советлар даврида Алишер Навоийнинг ижоди факат бир томонлама ўрганилди. Дин, шариат тўғрисида сўз юритилган асарлари чоп этилаётганда аёвсиз равишда қисқартириб ташланди. Баъзи олимлар ўз илмий ишларида Навоийни ўтақетган атеист (динсиз) сифатида тасвирладилар. Ўз таълирининг исботи тариқасида улар Алишер Навоийнинг динни никоёб қилиб, бойлик, шахсий ҳузур-ҳаловат ортидан қувган баъзи «диндорлар», мулّاқлар ва шайхлар устидан қўлган, масҳара қилган мисраларини мисол қилиб келтирдилар. Ҳа, Навоий асарларида шундай мисралар ҳам бор, аммо бу мисраларни синчиклаб ўқийдиган бўлсак, улар Аллоҳ номидан таъристан, аммо биринчи навбатда ўз жинийдонларини ўйлаган «диндорлар» тўғрисида эканлиги ойдиқ равшан бўлади. Алишер Навоий яшagan даврини динсиз тасаввур қилиш ақлга сиғмайди, бу давр

ахир дин, шариат туркираб яшagan даври ку. Шу сабабдан шоирнинг асарларини бундай шунинчи нисбатан киши Ислоом динини, қарим оятларини яхши билиши керак. Алишер Навоий шубҳасиз мўмин-муслмон киши. Унинг ғазалларида биз Ислоом пайғамбарини, Ҳаммад Мустафо исмини, насронийлик пайғамбарини Исо Масих номини тез-тез учратамиз. Навоий сўзи ўзини Аллоҳга бутунлай бахшда ва таъқиб макдир. Агар киши Аллоҳга, Унинг фирмони, нозли қилинган Китобларга ва диний пайғамбарларига ишонамас экан, у чини муслмон ҳисобланмайди. Бу билан мен пайғамбарларни хулди Ахмад Ясавийга ўхшаш тариқадорлар тарғиб этган ўта диндор шоир эди, дедим. Ман, йўқ, таркидунёчилик эмас, балки исломсоний ва инсонпарвар ғоялар, масалан, инсон халқка мухаббат, тинчлик, дўстлик ва бирлиқка тарғиб этиш ғоялари Алишер Навоийнинг асарларининг ўқ томирлидир. Алишер Навоийнинг асосий қаҳрамонлари ўзбеклар, турк хитойликлар, араблар, арманилар ва бошқаларнинг вакилларидир. Бу ҳол шоирнинг халққаро характери ага эканлигини ўзи аса барча халқларнинг ўзаро баҳамжхат кечириллари тариқадори эканлигидан далайлади. Мақола бошида туркий халқларнинг буржларини турли ранглар билан тасвирлагани айтилган эди. Эътибор беринг:

«Эй Навоий, олтингу шинарду занор истеъ,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сорил»

Бир ғазалда ушбу рангларнинг, яъни маъриб ва машрик белгиларининг уйғунлигини дунёга қарата «бирдам, баҳамжхат бўлган чакирикка ментазим келади».

Ишодил

Хилъатин то айламыш жонон кизил, соригъ, яшил,
Шўълаи охим чикар хар ён кизил, соригъ, яшил.

Гулшан эттим ишк саҳросин самуми ох ила,
Ким, эсар ул дашт аро хар ён кизил, соригъ, яшил.

Шишадек кўнглимдадур гулзори хуснини ёйдин,
Тобадоннинг аксиядек алвон кизил, соригъ, яшил.

Оразу хилъат била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимни олдида даврон кизил, соригъ, яшил.

Давлун май тутки олгун жом бирла, сабазда,
Ким, булардин яхши йўк имкон кизил, соригъ,
яшил.

Факр аро бирранглик дуввордур беҳад, валеҳ,
Хиркада тикмак эрур осон кизил, соригъ, яшил.

Эй Навоий, олгуну шинтарфу зантор истама,
Бўлди назминг рангидин девон кизил, соригъ, яшил.

Кеча келгумдур лебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади.

Лаҳза-лаҳза чиктиму, чектим йўлида интизор,
Кели жон озимғаю ул шўҳи балхў келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлгонда коронғу келмади.

Ул париваш хажридинким йнғалади девонавор,
Кимса бормўким, анга кўртанда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай деб, ўлтурманг мени,
Ким, бори кон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиб содик тоңилмас, йўкса ким кўйди кадам,
Йўлга ким аввал кадам машўқи ўтру келмади.

Эй Навоий, бола бирла хушрам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бола келган уйга кайғу келмади.

Кўрагли хуснингги зору мўтало бўлдум санто,
Не бағолниг кун эдиким ошно бўлдум санто.

Хар неча дедимки кун — кундин узай сендин
кўнгли,
Ваҳки, кун — кундин батаррак мўтало бўлдум
санто.

Мен қачон дедим, вафо қилгил, манга зулм
айтадинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлгил манго, бўлдум
санто.

Қай пари пайкарга дерсен, тегба бўлдуни бу
сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум
санто.

Эй кўнгли, тарқи насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бағло етмаски, мен ҳам бир бағло бўлдум
санто.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибимдур мулом,
Соқие, то тарқи жоҳ айлаб гадо бўлдум санто.
Ғусса чангилдин навоё топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру беонаво бўлдум санто.

Ўн саккиз минг олам ошуби атар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, ана ҳам ўн саккиз йил хусни
бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўтса,
ўлдурур,
Хусн шохи, ул бағлоларким кўзу кошиндадур.

Хайрат этмон хусни нақшидаким, хар хайратки
бор,
Барчаси эзид таоло сунъи нақошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақста юз хайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй мўғки, юз хайрат аро қолмиш
Масих,
Булважабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фуруқатидин баҳри ашқ,
Хар қачон боксанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Догазор эрмаски, охишлин жахонга тушти ўт,
Йўк шафаким, бир кироқдин осмонга тушти ўт.

Дедилар, эл хонумонини ўртаг ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач мени беҳонумонга тушти ўт.

Оразининг ламъаси куйдури сабрим хайлини,
Барки офат чокилиб ул корвонга тушти ўт.

Ўқларинг кўнгулмга туштаг куйди ҳам кўз, ҳам
бадан,
Ким куяр хўлу курув чун найситонга тушти ўт.

Совуруб гул хонумонини куюн рангин экин,
Ё фалак бедодилин саран равонга тушти ўт?

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдуради,
Элта ўт соқдинг ваде, мен нотагонга тушти ўт.

Эй Навонӣ, билки охи чекмишам беихтиёр,
Десагарким, бешан Мозандаронга тушти ўт.

Юю юз минг войким, тарки муҳаббат килди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айриди ёр.

Юрди ўқдек тезу ёдек коматим ёт этмади,
Ник аро тўё менинг эрилигимни билди ёр.

Чун гадолар бирла шахтар қилмас эрмиш ёрлик,
Мен галони кўза, бас, невчун буручдин илди ёр?

Панда эшитиб, дўстлар, ҳеч ким бида ёр
ўлмангиз,
Ким менинг бағримни тили хажр бирла тилди ёр.

Мевдин уйрилгон бағову дард учунми йиғлайин,
Ё айтқим борибон аёғ ила қотилди ёр?

Йиғлашиб ғам шони зоҳир айласунлар дард ўтин,
Қимтаким байтуд — ҳазанда шамъдек топили ёр.

Эй Навонӣ, ёр учун тортар эдинг ғурбатда ранж,
Мўлға туш, эмди равонроқким, азимат килди ёр.

Бир пари пайкар ғами ошуфтахол этмиш мени,
Элта ахволим демактин тунгу дол этмиш мени.

Мен хавойини не тонт, кўргузсагар бир-

биртаким,

Этма кошнинг фикри андоғким хи дол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўттан кеча,
Бода зўр айлаб, йипи безътидол этмиш мени.

Ёр кўйи ичраким туфроғ ила тент бўлмишам,
Ишқ ғавроси бу инглиф поймол этмиш мени.

То танимга ўт туташмиш, барқдекдур хайратим,
Фурқатнинг то завфдин андоғки нол этмиш мени.

Ўт солурмен ох ила одамга, мен ким — зухд

ким?

Зоҳиди афсурда, оё, не ҳасд этмиш мени?

Дашт ваҳшига анис ўлсам Навонидек, не тонт,
Ул пари савдоси чун Мажнунмисол этмиш мени.

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин
э.л,
Мен илик жондин юлум, чекмас илик конимдин
э.л.

Туш-тушимдин баски расволиғ ўти дов-лов ёнар,
Хар тараф йўлдин чикарлар ўтсагар ёнимдин э.л.

Бахтим уйқусига тўёким сурудедур хазин,
Кўйида буюм уюмас хар тун афронимдин э.л.

Тонимаслар бир-бирин ёқсон мазаллат тарлидин,
Сўрагин холим кириб-чиққунча вайронимдин э.л.

Меца тумори жунундек печ, ваҳким, беҳабар,
Хар тараф кўнглумда конлинг доғи пинҳонимдин э.л.

Истарам, ай Хизр, келтаймен килиб жон бирла

тавф,

Кандайи кўйин хабар топқунча борнонимдин э.л.

Эй Навонӣ, килмағайлар айб атар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин э.л.

